

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ҚАРШИЕВ БАХТИЁР ЭШҚОБИЛОВИЧ

**ПАХТАНИ ЯНГИ РЕСУРСТЕЖАМҚОР ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ВА УСКУНАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Қаршиев Бахтиёр Эшқобилевич

Пахтани янги ресурстежамкор қуритиш технологияси ва
ускунасини ишлаб чиқиш..... 3

Қаршиев Бахтиёр Эшқобилевич

Разработка новой ресурсосберегающей технологии и
устройства для сушки хлопка-сырца..... 23

Karshiev Bakhtiyor

Development of a new resource-saving technology and device for
drying raw cotton..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ҚАРШИЕВ БАХТИЁР ЭШҚОБИЛОВИЧ

**ПАХТАНИ ЯНГИ РЕСУРСТЕЖАМКОР ҚУРИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ВА УСКУНАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/T2401 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Парпиев Азимжон

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Усманқулов Алишер Қодирқулович

техника фанлари доктори, профессор

Сулаймонов Рустам Шенникович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 11 апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертацияси иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№172-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2023 йил 27 март куни тарқатилди.
(2023 йил 27 мартдаги №172-рақамли реестр баённомаси).



Х.Ҳ.Камилова

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Ш.Ш.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи

Илмий кенгаш қошидаги

Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тўқимачилик саноатида пахта толаси ишлатилиши бўйича умумий тола миқдорининг 55-60 фоизини ташкил этади. Дунё статистикаси ва Пахта бўйича Халқаро консультатив қўмита (ICAC) маълумотларига кўра «2020/2021 йил мавсумида пахта толасини экспортёрлари бешталигига АҚШ, Бразилия, Хитой, Бангладеш ва Ветнам мамлакатлари етакчи ўринларни эгалламоқда»¹. Лекин кейинги йилларда пахта толасини экспорт миқдори кескин камайиб, аксарият пахта етиштирувчи давлатлар пахта толасини ўзларида қайта ишлаш амалиётини жорий этишмоқда. Ушбу ҳолат жаҳон бозорида рақобатни кучайтириб маҳсулот сифатини оширишни талаб этмоқда. Шу жиҳатдан пахта тозалаш корхоналарини замонавий самарадорлиги юқори техника ва технологиялар билан жиҳозлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда пахтани жинлашдан олдин қуритиш техника ва технологияларини такомиллаштириш, бўйича кенг-қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, пахтани янги ресурстежамкор қуритиш технологияси ва ускунасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Бу борада пахтадан намликни ажратиш жараёни учун илмий асосланган технологиясини ишлаб чиқиш, қуритиш барабанини такомиллаштириш, қуритишда энергия ва русурсларни тежаш, иш унумдорлигини ошириш, тола сифатини яхшилаш, пахтани қуритиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда ҳам пахта толасини ўзида қайта ишлаб тайёр маҳсулот билан жаҳон бозорига чиқиш йўналишига ўтилиб, пахта тозалаш корхоналари замонавий технология ва ускуналари билан жиҳозланмоқда, пахта толасини қайта ишлашни узлуксиз тизимини яратиш учун кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, пахта-тўқимачилик кластерлари барпо этилиши муносабати билан муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мулжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»², энергия ва ресурс сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш вазифалари қўйилмоқда. Ушбу вазифаларни пахта тозалаш саноатида бажариш учун технологик жараёнларни таҳлил қилиб ресурстежамкор қуритиш ускуналарини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир

¹ Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2021 йил 16-ноябрдаги ПҚ-16 сон «Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги Маҳкамасининг 2020 йил 22-июндаги ВМ-398-сон «Пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация ишидаги тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта саноати учун янги замонавий технология ва техникалар ишлаб чиқиш, жумладан пахтани қуритиш, тозалаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари, компаниялари ва олий ўқув юртларида – “Continental Eagle Corporation”, “Moss-Gorden Continental”, “Platt Lummus”, “Continental Murray” (АҚШ), “Cotton reseach and devolepment corporation” (Австралия), “National Research Center for cotton processing engeeniring and technology”, “China Cotton Industries Limited”, “Handan Golden Lion”, “Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University”, “Lebed” (Хитой)да кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Республикада ҳам техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича жуда кўп тадқиқотлар, жумладан К.Ш.Шакиров, М.И.Исмоилов, Б.И.Ерофеева, А.Р.Суэтин, А.Р.Умаров, М.И.Ниёзов, П.В.Банников, А.И.Ульдяков, Г.П.Гамбург, Р.П.Никитин, А.В.Корсукова, Л.И.Кучарова, М.Рахмонов, С.Саидов, А.Парпиев, С.Садиков, М.Ахматов, А.Усмонқулов, М. Гаппаровалар томонидан амалга оширилган ва тегишли тавсиялар берилган. Натижада пахтани конвектив усулда, қатлам шаклида қуритиш режимлари, уларни амалга оширувчи технологик ускуналар ишлаб чиқилган. Лекин уларни иқтисодий самарадорлиги етарли эмаслиги, конструктив камчиликлари бўлганлиги сабабли тадбиқ бўлмади.

Ўтказилган тадқиқотларга қарамасдан пахтани технологик талаблар даражасида, тола сифатини сақлаган ҳолда қуритиш муаммоси ҳал этилмаган ва долзарблигича қолмоқда. Пахта тозалаш корхоналарида пахтани бошланғич намлигидан қатъий назар барабанли қуритгичларда қуритилмоқда, натижада қуритиш таннархи юқори даражада қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2015-2-20 «Пахтани қуритишни самарали технологиясини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш» (2015-2016),

№ОТ-АЗ-09 «Пахтани қуритиш ва тозалаш самарадорлиги юқори бўлган ресурстежамкор янги технологик ускунани ишлаб чиқиш» мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори нав пахталарни қуритишни ресурстежамкор технологияси ва ускуналарини ишлаб чиқиш ҳамда унинг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахтани қатламли ва аэрофонтан усулларда қуритишни тадқиқотини ўтказиш;

пахтани янги комбинациялашган усулда қуритиш технологияси ва ускунасини схемасини ишлаб чиқиш;

янги қуритиш ускунасини асосий параметрлари ва ишлаш режимларини аниқлаш;

қуритиш ускунасида пахта ҳаракати қонуниятини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш синовини ўтказиш ва иқтисодий самарадорлик ҳисобини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахтани қуритиш ускунаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида пахтани қуритиш жараёнлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда аналитик тадқиқотларда мавжуд механика, қуритиш назариялари, иссиқлик-намлик алмашув қонуниятлари, натижаларни тажрибавий натижалар билан қиёслаш, амалий тадқиқотларда эса математик моделлаштириш, математик-статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

намлиги юқори бўлмаган пахталарни юпқа қатлам ва аэрофонтан усулида қуритишнинг ресурстежамкор технологияси ва ускунаси ишлаб чиқилган, аэродинамик режимлари ва геометрик ўлчамлари аниқланган;

пахта бўлақларини қуритиш камерасида қатлам ҳолида ва параболик-циклик ҳаракатланиш шартларини аниқлаб берувчи ҳаво тезлиги ва қуритиш камерасини оғиш бурчагини пахтани ҳаракатланиш қонуниятига таъсирини ҳарактерловчи боғланишлар олинган;

пахтани қуритишда бир текис қайнар қатлам ҳосил қилиш имконияти йўқлиги ҳамда пахтани юпқа қатламини шакллантириш мақсадида иссиқ ҳавони критик тезликлари аниқланган;

математик режалаштириш асосида қуритиш ускунасида пахтани бўлиш вақти билан ускунани қиялик бурчаги, узунлиги ва ҳаво сарфи ўртасидаги боғланишни ҳарактерловчи регрессия тенгламалари олинган, пахтани бошланғич намлигига қараб қуритиш вақти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори нав пахталарни механик таъсир этмасдан сифатини тўлиқ сақлаган ҳолда қуритишни ресурстежамкор технологияси ва ускунаси яратилган ҳамда уларни асосий параметрлари, ишлаш режимлари аниқланган;

қўзғалмас қатлам ва аэрофонтан ҳосил бўлишни критик тезликлари ва уларга пахта қатлами қалинлигини таъсири аниқланган;

қуритиш ускунасини қиялик бурчаги, узунлиги ва ҳаво тезликлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги назарий масалалар механика қонуниятлари асосида ишлаб чиқилгани, тажрибалар етарли қайталиқда ўтказилганлиги, натижалари математик статистик усулда қайта ишланганлиги, ишончлилик даражаси $P=0,95$, хатолик чегараси 5% дан ошмаслик талабига амал қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахтани қўзғалмас қатламда, қайнар қатламда ва аэрофонтан усулда қуритишни аэродинамик режимларини аниқланиши, пахта қатлами қалинлиги, пахта намлиги, қуритиш агенти температураси билан намлик ажралиш ўртасидаги боғланишларни олиниши ҳамда қуритиш ускунасида пахта ҳаракати қонуниятлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса намлиги 10-13% бўлган пахталарни қуритишни ресурстежамкор технологияси ва ускунаси ишлаб чиқилиши натижасида ҳаво, ёқилғи электр энергия сарфи минимал бўлган, тола сифатини тўлиқ сақлаган ҳолда қуритиш имконияти яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани янги ресурстежамкор қуритиш технологияси ва ускунасини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

юқори нав пахталарни қуритишни янги технологияси ва ускунаси «Marhamat-Tekstil» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида тадбиқ этилган. (Пахта тўқимачилик кластерлари уюшмасининг 2022 йил 27-декабрдаги 02/22-930-сонли маълумотномаси). Натижада I-II нав пахталарни қуритишда 2,0-2,5 % намлик олиш, тола намлиги 6,5-8,8 % га тушириш, ҳаво ва иссиқлик сарфи мос равишда 1,8 ва 1,4 баробарга, электр энергия сарфи эса 13 kW/soat га камайишга имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети баён қилинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларидан амалда фойдаланиш ҳақида маълумотлар, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Муаммони ҳолати, ишнинг мақсади ва вазифалари”** деб номланган биринчи бобида пахтани қуритиш техника ва технологияларининг ҳозирги ҳолати, пахтани тозалаш ва жинлашга тайёрлашда уни намлик-иссиқлик кўрсаткичлари, пахта компонентлари намликларини тақсимланиши, уларни технологик жараёнларда ўзгариши, пахтани қуритишни конвектив, қатлам ва аэрофонтан усуллари ва улар бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот ишларини таҳлили берилган.

Маҳаллий ва хорижий қуритиш ускуналарини ишлаш самарадорлигини таҳлили асосида пахта навларини намликлари ўртасидаги фарқларга қарамадан бир хил барабанларда қуритилиши натижасида намлиги юқори бўлмаган I-II нав пахталарда ёқилғи ва иссиқ ҳаво сарфи юқори эканлиги, хорижий қуритиш ускуналарини намлик ажратиш даражаси ўта паст эканлиги асосланган.

Пахтани қатламда ва аэрофонтан усулида қуритиш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган бўлиб уларни афзалликлари кўрсатилган бўлсада, самарали қуритиш ускунаси яратилмаганлиги сабабли ушбу усуллар амалиётга тадбиқ этилмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Пахтани қуритиш усуллари назарий ва амалий тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобида намлиги юқори бўлмаган пахталарни қуритиш ҳолатини таҳлили, пахтани қатламда қуритишни технологик жараёнини тадқиқоти натижалари, пахта компонентларини қатламда қуриш ва қизиш нотекисликлари ҳамда пахтани қайнар ва аэрофонтан усулида қуритиш имкониятлари бўйича ўтказилган тадқиқотлар келтирилган.

1-жадвалда Учтепа пахта тозалаш корхонасида I-II-нав пахталарни қуритиш натижалари келтирилган бўлиб, уларни таҳлили куйидагиларни кўрсатди:

қуритиш барабанини техник таснифида намлик ажралиш миқдори 700 kg/soat деб белгиланган бўлсада, амалиётда бу кўрсаткичга эришилаётгани йўқ. Натижада қуритиш барабанига соатига 2 млн.kJ атрофида иссиқлик берилаётган бўлиб, 1 kg намлик ажратиб чиқариш учун сарфланаётган иссиқлик миқдори намлиги 13% гача бўлган пахтани қуритишда 8134 kJ дан 26592 kJ гача, намлиги юқори бўлган пахталарни қуритишда 10978 kJдан 14086 kJ гача ўзгариши кузатилди, олинган натижалар иссиқлик сарфини камайтириш муаммосини ҳал этишни талаб этмоқда;


пахтани тозалаш самарадорлиги етарли бўлмаганлиги сабабли жин тарновида пахта ифлослиги технологик регламент талабларидан юқори бўлиб, ишлаб чиқарилган тола сифатини пасайтирмоқда;

ишлаб чиқарилган толадаги нуксон ва ифлос аралашмалар миқдори юқори бўлиб 3,1% дан 6,6% ни ташкил этмоқда. Пахта тозалагичларни тозалаш самарадорлигини пастлигига сабаб пахта намлигини 8% дан юқори бўлганлиги ҳисобланади.


“Учтепа” пахта тозалаш корхонасида пахтани қуритиш натижалари

№	Терим тури	Қуритиш барабанини пахта бўйича иш унумдорлиги, т/соат	Пахтани бошлангич намлиги, %	Пахтани бошлангич ифлослиги, %	Қуритиш температураси, °С.	Иссиқлик сарфи, млн.кЖ/соат	Пахтани жин тарновида намлиги %	ΔW намлик ажралиши	Пахтани жин тарновида ифлослиги, %	Барабанда ажралган намлик миқдори, кг/соат	Тозалаш самарадорлиги, %	I кг. намликни ажратишга сарфланган иссиқлик миқдори, кЖ/кг	Тола ва чигит сифати, %		
													Тола		Чигит
													намлиги	ифлос-лиги	
1	к/Т	8,5	12,4	7,7	140	2,52	9,8	2,6	1,8	196,6	76,6	12817	5,3	3,1	11,1
2	к/Т	8,3	12,3	7,6	135	2,43	10,6	1,7	1,7	125,6	77,6	19340	5,1	3,6	10,1
3	к/Т	8,4	12,3	7,5	148	2,66	10,4	1,9	1,6	142,1	78,7	18745	5,0	4,5	10,5
4	м/Т	8,5	11,9	11,4	112	2,02	10,9	1,0	1,8	76,0	84,2	26540	5,1	6,0	11,7
5	м/Т	8,6	11,8	11,5	110	1,98	10,4	1,4	0,9	107,7	92,2	18386	5,1	3,8	9,0
6	к/Т	8,9	9,7	7,3	130	2,34	8,6	1,1	1,0	89,2	86,3	26220	5,0	2,7	7,6
7	м/Т	8,4	12,0	11,4	130	2,34	10,4	1,6	1,6	120,0	86,0	19500	5,3	5,9	11,9
8	м/Т	8,0	12,3	11,2	130	2,34	10,4	1,9	1,7	135,4	84,8	17288	5,1	6,1	10,0
9	м/Т	7,8	10,4	9,3	108	1,94	9,2	1,2	1,9	84,8	79,6	22929	5,2	5,1	10,4
10	м/Т	7,8	10,8	9,5	105	1,89	9,5	1,3	1,9	91,5	80,0	20652	5,1	5,5	10,5
11	к/Т	7,7	12,4	7,5	102	1,84	10,9	1,5	1,6	102,8	78,7	17867	5,2	4,6	12,0
12	к/Т	8,0	10,0	7,4	105	1,89	8,8	1,2	1,6	87,3	78,4	21656	5,0	5,1	11,0
13	к/Т	8,5	9,2	7,2	105	1,89	8,1	1,1	1,0	85,6	86,1	22074	5,0	2,8	9,6
14	к/Т	8,5	9,3	7,5	105	1,89	8,0	1,3	1,1	101,1	85,3	18695	5,1	3,0	9,5

Пахта тозалаш корхоналарида тайёрланган I-II нав пахталарни намликлари ва уларни ҳажмини таҳлили I-нав пахталарни ўртача намлиги 8,9-9,6% ни, II-навини эса 11,1-11,9% ни ташкил этиши, улушлари эса бир қатор пахта тозалаш корхоналарида I-нав 75,3% дан 81,8% гача, II-нав пахталар эса 8,3% дан 10,1% га бўлиши аниқланди (1-2-расмлар).



1-расм. Тайёрланган пахтани навлари бўйича ҳажми (2020 й.)




2-расм. Пахтани намликлари бўйича тақсимланиши (2020 й.)

Хулоса қилинса тайёрланган пахтани 84,1% дан 90,2%гача бўлган ҳажмини қуритиш учун ресурстежамкор қуритиш ускунаси ишлаб чиқиш вазифасини ҳал этиш талаб этилади.

Ушбу вазифани ҳал этиш учун пахтани қатламда қуритиш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилди. Тажрибалар СХЛ-3 лаборатория қуриткичида С65-24 нав, намлиги 10,8% ва 14,0% бўлган, пахтада 50-75-100 мм қатлам қалинлигида, 120°C ва 140°C температурада ўтказилди. 3-расмда намлиги 14,0% бўлган пахтани намлигини вақт бўйича ўзгариш графиклари келтирилган.

3-расмдан кўришиб турибдики, намлиги 14,0% бўлган пахтани қуритишга



1. $h=50\text{ mm}$; 2. $h=75\text{ mm}$; 3. $h=100\text{ mm}$

3-расм. Пахта қатлами қалинлигини турли қийматларида пахта

берилаётган иссиқ ҳавонинг ҳарорати 120°C да, пахта қатлам қалинлиги 100 мм бўлганда, 5; 10; 15; 20; 25 ва 30 секунд вақт давомида пахтанинг намлиги мос равишда 13,4%; 12,5%; 11,8%; 11,2%; 10,6% ва 10,1% ни ташкил этган бўлса (3-эгри чизиқ, 3-расм) пахта қатлам қалинлиги 75 мм бўлганда, 5; 10; 15; 20; 25 ва 30 секундда 13,1%; 12,1%; 11,2%; 10,5%; 10,0% ва 9,6% ни ташкил этган (2-эгри чизиқ 3-расм), пахта қатлам қалинлиги 50 мм бўлганда, мос равишда 5; 10; 15; 20; 25 ва 30 секундда 12,7%; 11,5%; 10,6%; 9,8%; 9,2% ва 8,4% (3-эгри чизиқ 3-расм) гача камайиши кузатилди. Намлиги 14% бўлган пахтани қуриш жадаллиги қатламни турли баландлигида қуритиш бошланишидан аҳамиятли


даражада фарқланиши кузатилди. Дастлабки 5 ва 10 сонияда намликларда фарқ мос равишда 0,4%; 0,3% ва 0,6%; 0,4% ни ташкил этди. Қуритиш якунида эса фарқлар 1,2% ва 0,5% бўлди.

Намлиги 10,8% бўлган пахтани қуритилганда ҳам намлик ўзгариш характери бир хил бўлиб, қуриш жадаллиги нисбатан пастроқ эканлиги аниқланди. Лекин пахта юпқа қатламда ўзгармас ҳароратда қуритилганда тола ҳарорати рухсат берилган меъёрдан (70°C) ошиб кетиши мумкин. Шу сабабли пахтани қуритишда ҳароратни ҳар бир қиймати учун тола сифатига таъсир этмайдиган вақтини аниқлаш керак бўлади.


Шу мақсадда пахтани қатламда қуритишда толани қизиш ҳароратлари таҳлил қилинди.

4-расмда пахтанинг намлиги 14,0% да ҳаво ҳарорати 120°C да пахта

қатлами қалинлиги 100 мм бўлганда мос равишда пахта толаси ҳарорати 30,0°C; 40,4°C; 44,4°C; 51,1°C; 59,4°C ва 66,7°C ни ташкил этган бўлса (3-эгри чизиқ) пахта қатлам қалинлиги 75 мм бўлганда мос равишда 5; 10; 15; 20; 25; 30 секундда мос равишда 33,5°C; 43,1°C; 47,5°C; 54,6°C; 63,7°C ва 69,1°C га кўтарилган бўлган (2-эгри чизиқ), пахта қалинлиги 50 мм бўлганда эса тола ҳарорати мос равишда 37,0°C; 47,6°C; 54,8°C; 62,6°C; 68,7°C ва 74,5°C кўтарилган (1-эгри чизиқ 4-расм). Пахтани қатлами қалинлиги толани қизиш ҳароратига аҳамиятли даражада таъсир этиши аниқланди.



4-расм. Тола ҳароратининг ўзгаришини қуриштиш вақтига боғлиқлик эгри чизиғи (W=14,0%)



5-расм. Қуририлгандан кейинги пахта компонентлари намликлари

қисмида эса (h=100 mm) 6,86%; 10,7%; ва 14,2% ни ташкил этди (5-расмга қаранг). Қатлам бўйича пахта намлиги фарқи 4,1%, тола 1,76%, чигит қобиғи 4,2%, чигит мағизи намлиги 3,55% дан иборат бўлди. Қуририлгандан кейинги пахтани намлиги 5,1% дан 14,2% гача ўзгармоқда. Қуриштишни бундай нотекислигида пахтани самарали тозалаш ва жинлаш ҳамда сифатли тола олишни таъминлаш қийин.


6-расмда намлиги W=14,0% бўлган пахтани қуририлганда толани қизиш ҳароратлари эгри чизиғи келтирилган. Кўриниб турибдики тола қатламини пастки ва юқори қисмлари нотекис қизиб улар орасидаги фарқ қатлам қалинлиги ошган сайин, ошиб бориши кузатилди. Ушбу ҳолат пахтани

Олинган натижалар пахтани элементар бўлақларга ажратган ҳолда қисқа муддатда қуриштиш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Шу билан бир қаторда пахта намлиги ва тола ҳароратини ўртача қийматлари бўлиб, пахта қатлами баландлиги бўйича нотекис қизиш ва қуришини инобатга олган ҳолда пахтани қатлам бўйича қизиш ва пахта компонентларини қуриш нотекислигини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказиш эҳтиёжи аниқланди.

5-расмда пахтани 100 мм ли қатламда қуририлганда пахта компонентларини қуриш нотекислиги келтирилган.


Қатламни пастки қисмида (h=0) тола, чигит пўстлоғи ва мағизини намликлари мос равишда 5,1%; 6,5% ва 10,75% ни, юқори

кўзгалмас қатламда қуритишда намлик ажралиши ва қизиш нотекислигини бартараф этиш қийинлигини кўрсатди. Шу сабабли пахтани қайнар қатлам ва аэрофонтан усулларида қуритиш имкониятлари кўриб чиқилди.



1. Қатламни пастки қисми; 2. Қатламни юқори қисми.

6-расм. Толани қатлам бўйича қизиш ҳарорати эгри чизиғи



1-ҳавони кўзгалмас қатламдаги максимал тезлиги; 2-қайнаш бошланиши тезлиги; 3-канал ҳосил бўлиш тезлиги; 4-фонтан ҳосил бўлиш тезлиги


7-расм. Пахтани кўзгалмас қатлам, қайнар қатлам, канал ва

7-расмда пахтани кўзгалмас, қайнар ва аэрофонтан ҳолатларида ҳавони критик тезликлари келтирилган. Тажрибалар пахтани бир текис қайнар қатламини шакллантириш имконияти йўқлиги унда пахтадан бўш каналлар ҳосил бўлишини кўрсатди. Аэрофонтан ҳосил қилиш эса пахтадан олдин тўрли юзада элементар қатлам ҳосил қилиб, сўнгра пастидан ҳаво бериш ҳисобига амалга ошиши мумкинлиги аниқланди.

Диссертацияни “Янги қуритиш ускунасининг технологик схемасини танлаш ва асосий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар” деб номланган учинчи бобида қуритиш ускунасини технологик схемаси танланиб унда пахтани ҳаракат қонуниятлари, қуриш вақти, қуритиш ҳарорати ва пахта бўйича иш унумдорлигини қуриш кўрсаткичларига таъсири аниқланган, ишлаб чиқариш синовлари ўтказилган.

Пахтани қуритишни мавжуд технологияси ва ускуналарни ҳозирги ҳолати, уларнинг камчиликларини инобатга олган ҳолда I ва II нав пахталарни қуритиш учун қуйидаги қуритиш технологияси ва ускунаси тавсия этилди (8-расм).

Қуритиш ускунаси қуйидагича ишлайди. Сепаратор вакуум клапанидан (3) тушган пахта қия юза (4) га тушиб унда бир қатлам шаклида шаклланиб қуритиш зонасига узатилади. Пахтага иссиқлик трубаси (7) орқали ҳаво камераси ёрдамида тўрли юза (6) орқали иссиқ ҳаво берилади. Иссиқ ҳаво ёрдамида пахта муаллақ ҳолатга келтирилиб намлиги ажратилади. Пахта ҳаво ёрдамида иккинчи ва учинчи қуритиш камераларига ўтказилиб қуритилади ва ускунадан чиқиб пахта чиқиш туйнуғи (11) орқали труба (12) га узатилиб тозалашга жўнатилади. Иссиқ ҳаво ёрдамида пневматик трубада ва тозалаш жараёнида пахтани қуриши давом этади.



1-пахта узатиш трубаси;
 2-сепаратор; 3-вакуум клапан;
 4-пахта қабул қилиш юзаси;
 5-қуритишни биринчи камераси;
 6-тўрли юза; 7-иссиқ ҳаво бериш
 трубаси; 8-иссиқ ҳаво бериш
 камераси; 9,10-иккинчи ва учинчи
 қуритиш камераси; 11-пахта
 чиқиш тўйнуғи; 12-пахтани
 узатиш трубаси

**8-рasm. Пахтани қуритиш
 ускунаси схемаси**

Пахта икки босқичда қурийд —
 биринчи босқич қуритиш ускунасида сўнгра
 тозалагичларга пахта узатишни пневматик
 трубасида ҳамда тозалагичларда.

Пахтани элементар қатламини
 шакллантириш ва қуритиш камерасида
 барқарор ҳаракатланиши учун пахтани
 сепаратордан кейинги ҳаракати ўрганилди.


Пахта бўлагини вакуум клапандан
 кейинги ҳаракати тенгламаси

Ускунани самарали ва барқарор
 ишлаши учун унга берилаётган иссиқ
 ҳаво миқдори, температураси, ускуна
 узунлиги, оғиш бурчаги каби
 кўрсаткичларни аниқлаш талаб этилади.

Пахтани 3 та секциядан иборат
 қуритиш камерасида қатлам ва фонтан
 усулида ҳамда пневматик қуритиш
 усулидан фойдаланган ҳолда қурилади.

Бунда пахтани бошланғич
 намлигига қараб қуритиш агенти
 температураси ва хажмини танлаш талаб
 этилади.

Қуритиш ускунасига берилаётган
 ҳаво хажми уни тозалагич-сепараторгача
 барқарор транспортировка қилиш
 имкониятини бериши керак. Тажрибалар
 пахта узатиш трубаларида ҳаво тезлиги
 25-30 m/s бўлиши, труба диаметри эса
 300-400 мм бўлиши мумкинлигини
 кўрсатди. Унда берилаётган ҳаво
 сарфини $3,14 \text{ m}^3/\text{сек}$ деб олишимиз
 мумкин, яъни $11300 \text{ m}^3/\text{soat}$ ҳаво
 берилиши керак. Ушбу ҳолатдан келиб
 чиққан ҳолда ҳамда толани қизиш
 температурасини 70°C дан оширмаган
 ҳолда иссиқ ҳаво температурасини
 танлаб олиш керак.



**9-рasm. Пахтани
 ҳаракатланиш схемаси**


$$\begin{cases} y = -\frac{gt^2}{2} - g_0 \sin \varphi \cdot t \\ x = -g_0 \cdot \cos \varphi \cdot t \end{cases} \quad (1)$$

Бу тенгламадан вақтни чиқарсак ушбу параболола тенгламасини оламиз.


$$y = -\frac{g}{2} \left(\frac{x}{g_0 \cdot \cos \varphi} \right)^2 + x \cdot \operatorname{tg} \varphi \quad (2)$$

(2)-парабола билан $y = -y_0 + kx$ тўғри чизиқнинг кесишиш абциссаси қуйидаги тенгламадан аниқланади.

$$kx_1 = -y_0 - \frac{g}{2} \left(\frac{x_1}{g_0 \cdot \cos \varphi} \right)^2 + x_1 \cdot \operatorname{tg} \varphi \quad (3)$$



10-расм. Вакуум клапандан чиққан пахтани қия текислик билан учрашув координаталари



11-расм. Бўлакчанинг оғма текислик бўйлаб ҳаракатланиш схемаси

Пахта бўлагини тўрли юзада ҳаракатланиш қонунияти

$$m\ddot{x} = mg(\sin \alpha - f \cos \alpha) + fpS_1 \quad (4)$$

$$m\ddot{y} = -mg \cos \alpha + pS_1$$

$$S_1 = S - S_2$$

Бу ерда: f - бўлакча билан сиртнинг бўлакча билан контактда бўлган улуши S_2 орасидаги ишқаланиш коэффиценти $f = f_0 S_2 / S$, S бўлакча билан сиртнинг умумий контакт юзаси, f_0 - ёпиқ контакт юза билан бўлакча орасидаги ишқаланиш коэффиценти.

N - текисликка перпендикуляр йўналган нормал куч. (4) тенгламанинг ўнг томонидаги

ифоданинг ишораси манфий бўлса, бўлакча фақат Ox бўйлаб бир ўловли ҳаракатда бўлади, агар мусбат бўлса, бўлакча Oy ўқи бўйлаб, ҳаракатланиши мумкин. Биринчи ҳолатда

$$-mg \cos \alpha + pS_1 \leq 0 \quad (5)$$

$f = 0.1$

pS_1/mg	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
α_0 (град)	11.3	10.2	9.1	8.0	6.8	5.7	4.6	3.4	2.3	1.2	0

 $f = 0.2$

pS_1/mg	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
α_0 (град)	16.7	15.1	13.5	11.9	10.2	8.5	6.8	5.1	3.2	1.7	0

 $f = 0.3$

pS_1/mg	0	0.1	0.2	0.3	0.4	0.5	0.6	0.7	0.8	0.9	1
α_0 (град)	21.8	19.8	17.8	15.7	13.5	11.3	9.1	6.8	4.6	2.3	0

Бўлакча Ox ўқи йўналишида ҳаракатланиш шарти $\ddot{x} \geq 0$ бажарилиши учун бурчак α ушбу тенгсизликни қаноатлантириши лозим


$$f \cos \alpha - \sin \alpha \leq \frac{pS_1}{mg} \quad (6)$$

$$y = -\frac{g[t_0^2(x) - t_0^2(x_1)] \cos \alpha}{2} + v_c[t_0(x) - t_0(x_1)] \quad (7)$$


$$m\ddot{y} = -mg_i \cos \alpha + pS_1; \quad g_1 = g(1 - k_1); \quad g_2 = g(1 - k_2)$$

12-13-расмларда пахта бўлагини қуритиш камерасида ҳаракат траекторияси келтирилган бўлиб, олинган натижалар ҳаво тезлиги ва қуритиш камерасини оғиш бурчаги α ни қийматларига қараб пахта тўрли юза сиртида ёки мауллақ ҳолда ҳамда циклик парабола шаклида ҳаракатланиши мумкин. Бурчак α ни ошириши билан парабола циклик ҳаракатида, уни қуритиш камерасида бўлиш вақтини оширади.

Қуритиш ускунасини геометрик ўлчамлари узунлиги, қуритиш камерасини оғиш бурчаги, эни, баландлиги ва қуритиш вақтини аниқлаш мақсадида лаборатория қуритиш ускунасини стенди тайёрланиб, тажриба синовлари ўтказилди.



12-расм. Бўлакчанинг оғма текисликдаги $v_c=1.30$ м/с, $k_1=0.73$, $k_2=0.86$, $\alpha = 10^\circ$ (а) ва $v_c=1.27$ м/с, $k_1=0.73$, $k_2=0.84$, $\alpha = 20^\circ$ (б), қийматларда бўлакчанинг текисликка икки оралиқ зарба бўлганда траекториялари



13-расм. Бўлакчанинг оғма текисликдаги $v_c=1.30$ м/с, $k1:=0.7$, $k2=0.8$, $\alpha = 30^\circ$ (а) ва $v_c=1.33$ м/с, $k1:=0.65$, $k2=0.75$, $\alpha = 40^\circ$ (б), қийматларда бўлакчанинг текисликка икки оралиқ зарба бўлганда траекториялари

Пахтани – муаллақ ҳолатга келтириб уни қуритиш камераси бўйлаб барқарор ҳаракатлантирувчи ҳаво сарфи ва қиялик бурчагини аниқлаш учун математик режалаштириш асосида тажрибалар ўтказилди ва қуритиш ускунасини узунлигига қараб пахтани қуритиш вақтини регрессия тенгламаси олинди.

$$y=4,37-0,34x_1-0,30x_2+2,49x_3-0,33x_1x_3 \quad (8)$$

бунда; x_1 –қуритиш камерасини қиялик бурчаги, град; x_2 –иссиқ ҳаво сарфи, м³/сек; x_3 –ускуна узунлиги, м.

Бир қатор тажрибаларда қуритиш ускунасида пахтани бир текис ҳаракатини таъминлаш учун қиялик бурчаги 30° , берилаётган иссиқ ҳаво сарфи 2,2 м/с дан юқори бўлиши кераклиги аниқланди.

Қуритиш ускунасини пахта ва намлик бўйича иш унумдорлигини таъминловчи ишлаш режимларини аниқлаш учун С65-24 I нав намлиги 9,4%, ифлослиги 6,4%, II нав намлиги 11,6%, ифлослиги 7,62% бўлган пахтада 6 t/soat ва 12 t/soat иш унумдорлигида тажрибалар ўтказилди. қуритиш камерасига берилаётган иссиқ ҳаво тезлиги 3,3 м/сек олинди. Тажриба натижалари 7 ва 8 - расмларда келтирилган.

Иссиқ ҳаво температурасини 100°C дан 160°C га ошиши толани қизиш температурасини иш унумдорлиги $P_p=6$ t/soat бўлганда $41,3^\circ\text{C}$ дан $51,4^\circ\text{C}$ гача, $P_p=12$ t/soat бўлганда эса $38,3^\circ\text{C}$ дан $46,5^\circ\text{C}$ га кўтарилишини кўрсатди.


Иш унумдорлигини 6 t/soat дан 12 t/soat га ошиши толани қизиш температурасини $t=100-130-160^\circ\text{C}$ да мос равишда $4,2^\circ\text{C}$, $5,9^\circ\text{C}$ ва $4,1^\circ\text{C}$ га оширар экан, яъни қизиш температурасида фарқ унча ўзгармас экан.

Ўтказилган тажриба натижаларидан кўриниб турибдики, пахтани элементар бўлакларга ажралган ҳолда уни солиштирма юзасини максимал қийматга келтириб қуритилганда жуда қисқа муддатда толани қиздириб, намлигини 2-3% га камайтириш мумкин экан.

Пахтани титилганлик даражаси максимум бўлганда қуритиш ускунасини пахта бўйича иш унумдорлигини тола ва чигитни қизиши ва қуришига таъсирини минимумга тушириш мумкинлиги аниқланди.

14-расмдан кўриниб турибдики қуритиш температураси пахтадан намлик ажратишга таъсири сезиларли даражада бўлиб, 6 t/soat иш унумдорлигида иссиқ ҳаво температураси $t=100^{\circ}\text{C}$ бўлганда қуритгичда 11,6 % дан 9,1 % га, $t=130^{\circ}\text{C}$ ва 160°C бўлганда мос равишда 8,7% ва 8,41% га пасайган.


Иш унумдорлигини мазкур қуритгичда намлик ажралишига аҳамиятли даражада таъсир этмаслигини сабаби, пахтани ҳаво таъсирида майда бўлақларга ажралиши ва бир хил солиштирма юза билан қуриши ҳисобланади. Иш унумдорлигини 6 t/soat дан 12 t/soat га ошиши билан ҳарорат $t_x=100-130-160^{\circ}\text{C}$ да пахтадан намлик олинишини мос равишда 0,34 %; 0,54 % ва 0,62 % га камлиги қуритгич узунлиги бўйича иссиқ ҳаво температурасини пасайиши темпи ҳар хил бўлиши ҳисобига бўлади. Иш унумдорлиги юқори бўлганда ҳаводан иссиқлик вақт бирлиги ичида пахтага кўпроқ ўтиб ҳаво температураси тезроқ пасаяди, қуриш тезлиги ҳам мос равишда камаяди.



1. $t=100^{\circ}\text{C}$; 2. $t=130^{\circ}\text{C}$; 3. $t=160^{\circ}\text{C}$;

14-расм. Қуритиш ҳарорати ва пахта бўйича иш унумдорлигини қуриш кўрсаткичларига таъсири ($W_n=11,6\%$)

15-расмни таҳлили ҳам қайд этилган фикрларни тасдиқламоқда. Толани қизиш температураси иш унумдорлиги $P_p=6$ t/soat бўлганда $t_x=100-130-160^{\circ}\text{C}$ ларда мос равишда қуритишдан кейин $37,3^{\circ}\text{C}$; $41,0^{\circ}\text{C}$ ва $48,2^{\circ}\text{C}$ бўлса, $P_p=12$ t/soat да мос равишда $38,3^{\circ}\text{C}$; $42,4^{\circ}\text{C}$ ва $46,5^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлган. Толани қизиш характерини таҳлили қуритиш бошланишида тола тез қизиб сўнгра температурасини ошиш темпи секин-аста пасайишини кўрсатди.



1. $t=100^{\circ}\text{C}$; 2. $t=130^{\circ}\text{C}$; 3. $t=160^{\circ}\text{C}$;

15-расм. Қуритиш ҳарорати ва пахта бўйича иш унумдорлигини қуриш кўрсаткичларига таъсири ($W_n=9,4\%$)

Тавсия этилган қуритиш ускунаси тайёрланиб Уйчи пахта тозалаш корхонасига сепаратор тагига ўрнатилди ва қиёсий тажриба синови ўтказилди. Қуритилган пахталар корхонанинг технологик жараёнларидан ўтказилиб ишлаб чиқарилган тола сифати аниқланди. Натижалар 3 ва 4-жадвалларда келтирилган.

3-жадвал

Тажриба синов натижалари

Т/ р	Пахта қуритиш вариантлари	Пахта кўрсаткичлари					Тозалаш самарадорлиги, %	Иссиқлик сарфи, млн кЖ/соат	Ажратилган намлик миқдори, кг/соат	1 кг намликни ажратишга сарфланган иссиқлик миқдори
		Намлиги, %		Намлик олинishi, %	Ифлослик, %					
		Бошланғич	Жин тарновида		Бошланғич	Жин тарновида				
1	2СБ-10	9,6	8,5	1,1	6,8	1,1	83,8	2,86	73,3	39018
2	2СБ-10	12,1	10,4	1,7	7,65	1,6	79,1	3,52	106,2	33145
3	Тавсия	9,6	8,3	1,3	6,8	1,0	85,3	1,43	83,0	17299
4	Тавсия	12,1	9,4	2,7	7,65	1,4	81,7	1,76	168,6	10439

Толани сифат кўрсаткичлари

т/ р	Пахтани қуритиш вариантлари	Пахта намлиги, %		Пахта ифлослиги,%		Тола		Чигит намлиги, %
		Бошлан- ғич	Жин тарно- вида	Бошлан- ғич	Жин тарно- вида	Намлиги, %	Ифлос- лиги,%	
1	2СБ-10	9,6	8,5	6,8	1,1	5,1	2,8	9,6
2	2СБ-10	12,1	10,4	7,65	1,6	5,8	3,5	11,7
3	Тавсия	9,6	8,3	6,8	1,0	5,7	2,5	9,3
4	Тавсия	12,1	9,4	7,65	1,4	6,1	3,2	9,8

2СБ-10 қуритиш барабанида қуритилган I-нав пахтани намлиги 9,6% дан 8,5% га пасайиб, 1,1% намлик ажратилган. Ифлослиги эса 6,8% дан 1,1% га камайиб технологик регламент талаби бўйича I-нав 2-синф пахта учун белгиланган меъёрларга мос келади, тозалаш самарадорлиги 83,6% ни ташкил этади.

2СБ-10 барабанида қуритилган II-нав 2-синф пахтадан 1,6% намлик ажратилиб, уни намлиги 12,1% дан 10,4 % га келтирилган бўлиб, технологик регламент талабидан (8-9%) юқори бўлганлиги сабабли тозалаш самарадорлиги паст бўлиб 79,1% ни ташкил этади, жин тарновидаги пахта ифлослиги ҳам белгиланган меъёрлардан (1,5%) юқори.

Ушбу пахта партияларини тавсия этилган вариантда қуритиб қайта ишланганда, бошланғич намлиги 9,6% ва 12,1% бўлган пахтадан қуритиш ускунасида мос равишда 1,3% ва 2,7% намлик ажраган, пахтани жин тарновидаги намлиги 8,3% ва 9,4% ни ташкил этиб, технологик регламент талабидаги меъёрларга мос келган, натижада тозалаш самарадорлиги мавжуд 2СБ-10 вариантыга нисбатан юқори бўлиб, 85,3% ва 81,7 % дан иборат бўлган.

Ишлаб чиқарилган тола сифатини тахлили мавжуд вариантда I-нав пахтадан олинган толадаги нуқсон ва ифлосликлар 2,8% бўлиб, “ўрта” синфга II-нав пахтадан олинган толада эса 3,6% бўлиб, “ўрта” синфга тўғри келган.

Тавсия вариантыда эса толадаги нуқсон ва ифлос аралашмалар I ва II навда мос равишда 2,5% ва 3,2% ни ташкил этиб “яхши” синфга тўғри келади.

Иссиқлик сарфи тавсия вариантда икки баравар кам бўлиб, пахтадан ажралган намлик миқдори I ва II нав пахталарни қуритишда мос равишда 9,7 ва 62,4 kg/soat га кўп. Натижада пахтадан 1 кг намликни ажратишга сарфланаётган иссиқлик миқдори I-навда 11789 kJга, II-навда 22706 kJга кам бўлган.

Олинган натижалар тавсия этилган қуритиш ускунасини афзаллигини кўрсатди.

ХУЛОСА

1. Пахтани қуритиш тажрибаси ва ушбу йўалишда ўтказилган тадқиқотларни таҳлили пахтани бошланғич намлиги, инобатга олинмасдан металл, иссиқлик сарфи юқори бўлган қуритиш барабанларида қуритилаётганлиги натижасида улуши умумий тайёрланган пахтани 80-90% ни ташкил этган, намлиги юқори бўлмаган I ва II-нав пахталарни қуритиш таннархи юқори эканлигини кўрсатди. Уларни қуритиш учун вақти қисқа ва сарф-ҳаражати камроқ қуритиш ускунасини ишлаб чиқиш муаммоси мавжуд эканлиги аниқланди.

2. Пахтани қўзғалмас қатлам “қайнар” қатлам ва аэрофонтан усулларида қуритиш имкониятларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар қуйидагиларни кўрсатди:

пахтани қўзғалмас юпқа қатламда қуритилганда қизиши ва қуриши жадал бўлиб, қатлам қалинлиги 50 mm, қуритиш ҳарорати 140°C бўлганда, пахтани намлиги 10 секундда 10,8% дан 9,1% га пасайиши, тола ҳарорати 57,2°C га кўтарилиши кузатилди. Лекин пахтани қатлам бўйича қуриш нотекислиги мавжудлиги аниқланди;

юпқа элементар пахта бўлақларидан иборат юпқа қатламни аэрофонтан ҳолига келтириш мумкинлиги, бир текис “қайнар” ҳолатига келтириш имконияти йўқлиги аниқланди;

пахтани қўзғалмас қатламда қуритишда иссиқ ҳавони критик тезликлари ҳамда аэрофонтан ҳосил бўлиш тезликлари аниқланди. Уларни қиймати қатлам қалинлиги 50-75-100 mm бўлганда мос равишда 0,5; 1,0; 1,5 m/sek ва 3,9; 4,9; 6,0 m/sek эканлиги асосланди.

3. Юқори нав пахталарни юпқа қатлам ва аэрофонтан усулида қуритишни ресурстежамкор технологияси ва ускунаси ишлаб чиқилди. Назарий тадқиқотлар асосида уни геометрик ўлчамлари, аэродинамик режимлари ва пахтани қуритиш камерасидаги ҳаракат қонуниятлари аниқланди.

4. Математик режалаштириш асосида қуритиш ускунасида пахтани бўлиш вақти билан ускунани қиялик бўрчаги, узунлиги ва ҳаво сарфи ўртасидаги боғланишни ҳарактерловчи регрессия тенгламалари олинди. Ҳаво сарфи ёрдамида пахтани бошланғич намлигига қараб қуритиш вақтини бошқариш имконияти яратилди.

5. Пахтани турли намликларида қуритиш ҳарорати ва иш унумдорлигини қуриш кўрсаткичларига таъсири бўйича ўтказилган тажрибалар асосида:

пахтани қуриш кинетикасини ҳарактери, унга пахтани бошланғич намлиги иш унумдорлиги ва қуритиш ҳароратини таъсирини кўрсатувчи боғланишлар олинди;

пахтани қуриш жадаллигига қуритиш ҳароратини аҳамиятли даражада таъсир этиши, иш унумдорлигини таъсири эса юқори эмаслиги аниқланди;

толани қизиш ҳароратини вақт давомида ўзгариш кинетикаси ва унга қуритиш ҳароратини таъсири ҳамда толани қисқа (10-15 секундда) муддатда 45-50°C гача қизиши аниқланди.

Олинган натижалардан пахтани элементар бўлақларга ажратган ҳолда қуритиш самарадорлиги жуда юқори бўлиши, тола намлигини кескин пасайтириш имконияти борлиги ҳулоса қилинди.

6. Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган, тавсия этилган қуритиш ускунаси билан мавжуд 2СБ-10 қуритиш барабанини қиёсий тажрибаси натижасида қуйидагилар аниқланди:

бошланғич намлиги 9,6% ва 12,1%, ифлослиги 6,8% ва 7,65% бўлган, I ва II- нав пахталарни қуритишда 2СБ-10 барабанида мос равишда 1,1% ва 1,7% намлик олиниб пахта намлиги 8,5% ва 10,4% га туширилди, тавсия этилган қуритиш ускунасида эса мос равишда 1,3% ва 2,7% намлик олиниб, пахта намлиги 8,3% ва 9,4% га туширилди. Қуритиш жараёнида 1 kg намликни ажратишга сарфланган иссиқлик миқдори 2СБ-10 қуритиш барабанида мос равишда 39018 kJ ва 33145 kJ бўлиб, тавсия этилган ускунада эса 17299 kJ ва 10439 kJ ни ташкил этди;

I ва II-нав пахталардан ишлаб чиқарилган толадаги нуқсон ва ифлосликлар 2,8% ва 3,6% бўлиб, “ўрта” синфга тўғри келган бўлса, тавсия вариантыда мос равишда 2,5% ва 3,2% ни ташкил этиб “яхши” синфга тўғри келган.

7. Иқтисодий самарадорлик 1тн. тола ишлаб чиқаришда электр энергия, ёқилғи сарфи камайиши, тола сифати ошиши ҳисобига 738095 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

КАРШИЕВ БАХТИЁР ЭШКАБИЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА НОВОЙ РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИЙ
ТЕХНОЛОГИИ И УСТРОЙСТВА ДЛЯ СУШКИ ХЛОПКА-СЫРЦА**

05.06.02 - Технология текстильных материалов и первичной обработки сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2021.3.PhD/T2401.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ученого совета при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Парпиев Азимжон

доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Усманкулов Алишер Кодиркулович

доктор технических наук, профессор

Сулайманов Рустам Шенникович

доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-

технологический институт

Защита диссертации состоится 11 апреля 2023 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности. (адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохджахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2-этаж, 222-аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (регистрационный номер 172). Адрес: 100100, Ташкент, Шохджахон-5, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан 27 марта 2023 года.
(реестр протокола рассылки №172 от 27 марта 2023 года).

Х.Х.Камилова

Председатель Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.З.Маматов

Ученый секретарь Научного Совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ш.Ш.Хакимов

Председатель Научного семинара при Научном Совете по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Хлопковое волокно составляет 55-60% от общего количества волокна, используемого в мировой текстильной промышленности. По данным Международного консультативного комитета по хлопку (МКАС) и мировой статистике «В сезоне 2020/2021 США, Бразилия, Китай, Бангладеш и Вьетнам являются ведущими странами в пятерке крупнейших экспортеров хлопкового волокна»³. Однако в последние годы объемы экспорта хлопкового волокна сократились, и большинство хлопководческих стран внедряют практику самостоятельной переработки хлопкового волокна. Такая ситуация требует усиления конкуренции на мировом рынке и повышения качества продукции. В связи с этим особую значимость имеет оснащения хлопкоочистительные предприятия современными высоко эффективными техникой и технологией.

В мире проводятся широкомасштабные научно-исследовательские работы по совершенствованию техники и технологии сушки перед его джинировании. В данной направлении, то есть исследования по разработке новых ресурсосберегающих технологий и оборудования для сушки хлопка считаются приоритетными. В связи с этим особое внимание уделяется разработке наукоемкой технологии процесса удаления влаги из хлопка, совершенствованию сушильного барабана, экономии энергии и ресурсов при сушке повышению производительности, и эффективности сушки хлопка, а также улучшению качества волокна.

В нашей Республике хлопкоочистительные предприятия оснащаются современной техникой и оборудованием, для создания непрерывной системы переработки хлопкового волокна, осуществляются комплексные меры и создаются хлопка-текстильные кластеры для переработки хлопкового волокна и выход на мировой рынок со своим готовым продукцией. В стратегии развития нового Узбекистане намеченный на 2022-2026 гг. определена особые задачи в частности «модернизация и интенсивные развития сельского хозяйства, расширение производства экологически чистые продукции, существенные повышения экспортного потенциала аграрного сектора в экономике страны»⁴ сокращения затрат на ресурсы и энергию, и широко внедрять энергосберегающие технологии в производство. Для выполнения этих задач в хлопкоочистительной отрасли важен анализ технологических процессов и разработка ресурсосберегающего сушильного оборудования.

Результаты данного диссертационного исследования послужат в определенной степени в реализации поставленных задач: предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года за № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», Постановлением за № ПП-16 от 16 ноября 2021 года «О мерах по регулированию деятельности хлопко-текстильных кластеров», Указом

³ Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан №УП от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Президента Республики Узбекистан от 5 мая 2020 года за № УП-5989 «О неотложных мерах по поддержке текстильно-трикотажной отрасли», Постановлением № ПП-4633 от 6 марта 2020 года «О мерах по широкому внедрению рыночных принципов в хлопковую промышленность» и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 июня 2020 года за № ПК 397 «О мерах по дальнейшему развитию хлопко-текстильного производства» а также, в других нормативно-правовых документах, относительно к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и техники республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и техники Республики Узбекистан II «Энергетика, энергои ресурсосбережение».

